

## **БУТУНЖАҲОН АНТИДОПИНГ КОДЕКСИ БЎЙИЧА САНКЦИЯЛАРНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ**

*Давронова Дилбар*

*Тошкент давлат юридик университети магистратура талабаси*

*davronovadilbar94@gmail.com*

### **Аннотация**

Тадқиқот ишида спортда допингга қарши кураш борасида Бутунжаҳон антидопинг кодексининг аҳамияти, кодекс нормаларининг пропорсионаллик принципи асосида қўлланилиши, допингга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, бу борада республикамиизда амалга оширилаётган ишлар, спортчиларнинг антидопинг соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: допинг, санкция, пропорсионаллик принципи, қатъий жавобгарлик.

### **АННОТАЦИЯ**

В исследовательской работе рассматривается значение Всемирного антидопингового кодекса в борьбе с допингом в спорте, применение норм Кодекса, основанное на принципе соразмерности, правовая основа и конкретные аспекты борьбы с допингом, проводимая работа в нашей стране в этой связи, а также права и обязанности спортсменов в сфере борьбы с допингом.

*Ключевые слова: допинг, санкция, принцип пропорциональность, строгая ответственность.*

### **ABSTRACT**

The research work discusses the importance of the World Anti-Doping Code in the fight against doping in sports, the application of the Code's norms based on the principle of proportionality, the legal basis and specific aspects of the fight against doping, the

work being done in our country in this regard, and the rights and obligations of athletes in the field of anti-doping.

Key words: doping, sanction, the principle of proportionality, strict liability.

## **Кириш қисм**

Бутун дунёда спортда допингга қарши кураш ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, бугунги кунда ўзининг чўққисига етди. Бунда асосий эътибор нафақат спорт мусобақаларини ҳалол ўйин тамойиллари асосида ўtkазиш балки спортчиларнинг соғлиги, хуқуқлари ва спортнинг руҳини сақлашга қаратилмоқда. 1999 йилда айнан шу мақсадлар йўлида ҳамкорликни ривожлантириш, амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш ва бутун дунё бўйлаб кенг кўламли назоратни олиб бориш мақсадида Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) га асос солинди. Спортда допингга қарши кураш борасида норматив ҳужжатлар агентлик ташкил қилинишидан аввалроқ қабул қилинишини бошлаган. Ҳалқаро хуқуқда допингни тартибга солишга қаратилган илк Конвенция 1989 йил 16 ноябрда Страсбургда қабул қилинган Допингга қарши Конвенция ҳисобланади. Конвенция 1990 йил 1 мартдан кучга кирган. Конвенция 1988 йилги Сеул Олимпиада ўйинларидағи допинг можаролари фонида қабул қилинган. Конвенцияда давлатларнинг допингга қарши курашдаги сиёсий иродаси акс этган. Конвенциянинг мақсади допинг моддалари истеъмолини қисқартириш ва спортни давлат томонидан қўллаб-куватлашни антидопинг қонунчилиги билан боғлашдир. Ҳужжат антидопинг таълим дастурлари ва допинг синовларини ўтказишни рағбатлантиради ва иловасида допинг деб ҳисобланиши мумкин бўлган дорилар ва процедуralар рўйхати келтирилган.

Спортда допингга қарши курашни тартибга солувчи нормаларни бирлаштирган, барча ҳалқаро ва миллий спорт федерацияларининг антидопинг қоидалари учун намуна ҳисобланадиган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган Бутунжаҳон антидопинг кодекси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида допингга қарши курашни тартибга солувчи илк норма 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган “Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Қонвенцияни ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг қонунидир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан республикамизда спортчилар орасида тақиқланган моддалар истеъмолини чеклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шунингдек, допингга қарши кураш бўйича нормалар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг 27-моддасида допингга қарши қоиданинг бузилиши, шу жумладан спортда фойдаланиш тақиқланган субстанциялар ва (ёки) усуллар (бундан буён матнда тақиқланган субстанция ва (ёки) тақиқланган усул деб юритилади) рўйхатига киритилган субстанциядан ва (ёки) усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш спортда допинг деб эътироф этилади деб белгиланган.

## **I. Методология**

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантикий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавҳумдан конкретга ва конкретдан мавҳумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (таққослаш, гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юридик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

## **II. Натижалар**

Бутунжаҳон антидопинг кодексининг мутаносиблик тамойиллари асосида кўлланилишининг ҳуқуқий табиати таҳлил қилинади. Натижада ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

## **IV. Мухокама қисми**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) маориф, фан ва маданият бўйича ташкилоти (бундан кейин “ЮНЕСКО” деб номланади) Бош конференциясининг 2005 йил 3-21 октябрь кунлари Парижда бўлиб ўтган 33-

сессиясида қабул қилинган «Спортда допингга қарши кураш» Халқаро Конвенциясида спортдаги допинг - антидопинг қоидасини бузилиш ҳолати демақдир деб белгиланган. Конвенциянинг З-моддасида спортда “антидопинг қоидаларини бузиш” қуйидаги қоидабузарликлардан бирини ёки бир нечтасини англатади:

- а) спортчи организмидан олинган намунада тақиқланган модда ёки унинг метаболитлари ёки маркерлари мавжудлиги;
- б) тақиқланган модда ёки тақиқланган усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш;
- с) амалдаги антидопинг қоидаларига мувофиқ хабардор этилганидан кейин узрли сабабларсиз намуна топширишни рад этиши ёки намуна топшириш учун келмаслик ёки намуна топширишдан бошқа йўллар билан бош тортиш;
- д) спортчининг мусобақадан ташқари тест синовларидан ўтиш билан боғлиқ амалдаги талабларни бузиши шу жумладан унинг жойлашган жойи тўғрисида керакли маълумотларни тақдим этмаслик, оқилона қоидалар асосида белгиланган синовга келмаслик;
- е) допинг назоратининг ҳар қандай босқичида соҳталаштириш ёки соҳталаштиришга уринишлар;
- ф) тақиқланган моддалар ёки усулларга эгалик қилиш;
- г) ҳар қандай тақиқланган модда ва тақиқланган усулларни тарқатиш;
- х) ҳар қандай спортчига тақиқланган моддани қўллаш ёки қўллашга уриниш ёки унга нисбатан тақиқланган усулдан фойдаланиш ёки фойдаланишга уриниш ёки ёрдам бериш, рағбатлантириш, шериклик қилиш, далолатчилик, яшириш ёки ҳар қандай бошқа антидопинг қоидалари билан боғлиқ бўлган қоидабузарлик ёки қоидабузарликка уриниш кўринишида биргаликда иштирок этишдир.

Юқорида келтириб ўтилган антидопинг ҳуқуқбузарликларидан бирининг содир этилиши спортчига нисбатан ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўринишида жазо қўлланилишини англатади. Бунда Бутунжаҳон антидопинг кодексига мувофиқ

санкциялар қатъий жавобгарлик принципи асосида қўлланилади. Айб ёки бепарволик масаласи фақат санкцияни белгилашда рол ўйнайди. Кодекс ишлаб чиқилаётганда ушбу тизим танланди, чунки бу тизим допингга қарши самарали курашишнинг энг яхши усули деб ҳисобланди. Қоидада айтилишича, фақат тақиқланган модданинг мавжудлиги ижобий намуна олинган танлов натижаларини бекор қилиш учун етарли бўлади. Кодекснинг 9-моддасида мусобақа ичидаги тест билан боғлик равишда допингга қарши қоидаларнинг бузилиши автоматик равишда шахснинг кўрсаткичи дисквалификация қилинишига олиб келиши белгиланган. Бунинг сабаби, спортчининг айби бор ёки йўқлигидан қатъи назар, бошқа спортчиларга нисбатан потенциал устунликка эга эканлигига. Бироқ кодекснинг 10.4 ва 10.5 моддаларида антидопинг қоидабузарлиги содир этган спортчига нисбатан спортчининг айблилик даражасини, қоидабузарликнинг ҳуқуқий ва ижтимоий табиатини инобатга олган ҳолда санкцияларни пропорционаллик принципи асосида қўллаш асослари белгиланган. Бироқ пропорционаллик принципи фақатгина икки моддада белгиланган асосларга кўра қўлланилиши мумкин.

2004 йилда Бутунжаҳон антидопинг кодексининг жорий этилишининг энг катта афзаллиги унда қоидабузарликлар учун қўлланиладиган санкцияларнинг уйғунлаштирилганлиги бўлсада, бугунги кунга қадар пропорционаллик принципини қўллаш бўйича муаммолар қўзга ташланмоқда. Антидопинг қоидабузарликларини кўриб чиқувчи ваколатли органлар антидопинг комиссиялари қоидабузарлик содир этган спортчига нисбатан санкциялар қўллашда Кодекснинг 10.4 ва 10.5 моддасида белгиланган асослар билан биргаликда, ишнинг индивидуал ҳусусиятларини, спортчининг ижтимоий аҳволини, унинг қасди ёки айбсизлик даражасини инобатга олиши лозим. Ушбу ҳолатларни аниқлашда антидопинг агентликларининг суриштириш ишлари билан шуғулланадиган ҳодимлари мухим рол ўйнайди. Улар ҳар бир қоидабузарлик бўйича спортчи билан боғланиб, вазиятни атрофлича ўрганиши ҳамда

натижаларни бошқариш бўлимига суриштирувлар натижаси бўйича аҳборот бераб, тўпланган материалларни тақдим қилиши лозим. Чунки йигилган аҳборот спортчига нисбатан санкция қўлланилишида инобатга олинади. Барча қоидабузарлик содир этган спортчиларга нисбатан бир ҳил икки йиллик ҳуқуқдан маҳрум қилиш санкциясини қўллаш адолат мезонларига ҳамда пропорционаллик тамойилларига зид ҳисобланади.

#### **V. Хулоса**

Бутунжаҳон антидопинг кодексини пропорционаллик принципи асосида қўллаш бўйича Халқаро спорт арбитражи ҳамда антидопинг агентликларининг қарорларини умумлаштириш орқали бутун дунёда спортчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айбига муносиб жазо олиш ҳамда допингга қарши курашнинг самарали меҳанизмини яратиш, шунингдек бу борада барча учун ягона амалиётни шакллантириш имконини беради.